



ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ

Имомов Хамдилла Хамдамович

ТДИУ "Молия бозори ва сугурта иши" кафедраси и.ф.н., доценти

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 4 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss4/a3	Мақолада Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар инвестиция жараёнларининг фаоллашувига олиб келмоқда. Амалдаги иқтисодиётда янги тармоқ ва соҳаларнинг йўлга қўйилиши, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайтирилиши, иш ўринларининг ташкил этилиши тобора кўпроқ маблаг ва ресурсларни жалб қилишни таъминлашга эътибор қилинган. <i>инвестиция, хорижий капитал, реинвестиция, бюджет, бюджет сиёсати, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмуричилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференциялар, инфляция, инфляция.</i>
KEYWORDS	

Кириш

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналиши иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқени янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида самарали ҳал этишни иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни тартибга солиш ва рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш масалаларини қамраб олувчи чора-тадбирлар орқали янги sanoat корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик sanoat зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантиришни таъминлаш мумкин. Шунинг учун, бугунги кунда республикаимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати, яъни иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнини фаоллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мавзуга онд адабиётлар таҳлили. Мавзу доирасида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнини фаоллаштиришга нисбатан берилган таърифларга батафсил тўхталиб ўтишни дастлаб, Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги Қонунида келтирилган тарифлар билан танишиб ўтаск.

инвестициялар — инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари

объектларига таваккалчиликлар асосида қиритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар бўлиб ҳисобланади:

тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари — чет эллик инвесторнинг ҳукумат қафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялардир;

чет эл инвестициялари — чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига қиритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялардир;

чет эллик инвесторлар — чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, давлатлар ўртасидаги битимларга ёки бошқа шартномаларга мувофиқ тузилган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти бўлган халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслардир деб келтирилади. (Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги Қонуни, 25.12.2019 йилдаги ЎРҚ-598-сон)

Ғозиев Д. Ғ. Молия назариясига кўра инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида моҳиятан ҳозирги харажатларни англайди. Инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида қўйиладиган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир.

Мертенс А.В. Инвестициялар ҳозирги муайян капитал қийматини қўйиладиган, келажакдаги ноаниқ қийматга алмаштириш билдиради. Шундай қилиб, замонавий молия назариясида инвестициялар бугунги муайян қийматни келажакдаги эҳтимолий ноаниқ қийматга алмаштиришнинг англайди.

Э.С. Хазанович инвестициялаш бугунги эҳтиёжларни қондиришни инвестиция неъматлари ёрдамида келажакда қўйиладиган қондиришга алмаштириш ҳаракатидан иборат деб ҳисоблайди.

У.Ф. Шарп. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг лауреати бўлган У.Ф. Шарпнинг энг оммабоп ҳисобланган «Инвестиция» дарслигида, «Инвестициялар келгусида (эҳтимол номуайян) қийматга эга бўлиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматдан воз кечишдир», - деб таърифлайди.

Кэмпбелл Р. Макконелл, Станли Л. Брю. «Экономика, принципы, проблемы и политика» дарслигининг муаллифлари инвестиция тушунчасини қуйидагича шарҳлайдилар, яъни «инвестиция (investment)» - бу моддий захираларнинг қўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир», - деб таърифлайди.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, хорижий инвестицияларга доир маълумотлар асосида уларни таҳлиллари амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар доим инвестиция соҳасига давлатнинг фаол аралашуви ва унга узоқ йиллар мобайнидаги макроиктисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қарамок даркор. Бу эса стратегик мақсад – иқтисодий ўсишни таъминлаш учун амалга оширилиши, бу рақобатбардошлик ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши мезонларига жавоб бериши лозим. Стратегик мақсадга эришиш макроиктисодий режалаштириш асосида таъминланиши мумкин, инвестиция жараёнларини давлат йўли билан макробошқариб туриш, режалаб туришнинг энг муҳим бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Белгиланган бундай вазифаларни самарали ҳал этишда инвестицияларни, шу жумладан чет эл инвесторларини жалб этишни кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишни талаб этади. Булар мамлакатимизда ҳозирги кунгача давом этиб келаётган таркибий ўзгаришларни мантикий давоми сифатида Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий фарқланишлар ва номувофиқларни камайтиришда ўзига хос ўринга эга. Бу эса ўз ўрнида, ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳудудларда мавжуд барча ресурслардан фойдаланишни самарали амалга ошириш ҳамда минтақавий иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан такомиллаштиришга замин яратди.

Муҳтарам, Президентимиз Ш.Мирзиёев “Мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни қиритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб, Миллий банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши кераклигини таъкидлаб ўтган эди”.

Бу соҳада ўтган давр мобайнида кўзга ташланувчи ўта муҳим жиҳат – республикаимизда инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада ошганлигидир. Айниқса, мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёнларига бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш чоратадбирларининг таъсири аҳамиятли бўлди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар борасида ҳам Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудлар кесимида ўсиш суръатларига эга бўлганлигини қўришимиз мумкин. Ҳаракатлар стратегиясининг тўрт йиллик самараси ва жорий йилдаги вазифалардан келиб чиқиб иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари бўйича кейинги тўрт йил ичида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларга тўхтал ўтсак. Маълумки, 2017 йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган валюта бозорини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларнинг натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Жумладан, миллий валюта – сўмнинг эркин айирбошланиши йўлга қўйилгани, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўз валюта ресурсларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлгани ва улар томонидан валюта тушумларини сотиш мажбуриятларининг бекор қилиниши, юридик шахслар учун маҳсулотларни импорт қилишда чет эл валютасини эркин харид қилиш ва чет эл инвесторларининг фойдани эркин олиб чиқиш имконияти яратилгани иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган йилдан республикада асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни кескин ўсиши, амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ислохотлар натижаси ўлароқ қўтарилиб бораётганлигини қўришимиз мумкин. Бу самарали ёндашувлар хорижий инвестициялар учун яратилган шарт-

шароитлар мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини йилдан-йилга қўпайиб боришига имкон бермоқда.

Ислохотларнинг тадрижийлиги мамлакатимизнинг инвестиция сиёсати миллий иқтисодиётда маълум таркибий ўзгаришлар юз беришига имконият берди, ўз навбатида бозор муносабатлари шаклланишига ижобий таъсир этди ва иқтисодий барқарорлик учун зарурий шарт-шароитларни юзага келтирди. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”да ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва уларни амалга ошириш натижасида минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида инвестицион самарадорликни баҳолаш каби вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизда юз бераётган муҳим таркибий ўзгаришлар натижасида нафақат инвестицияларнинг ички манбаларига бўлган, балки бошқа манбаларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келмоқда. Шу боисдан, хорижий инвестицияларни юқори ҳажмда жалб этиш билан бирга, маҳаллий инвестициялаш имкониятларини оширишга имкон берувчи инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш муҳим бўлиб қолмоқда. Умуман олганда, республикаимиз ҳудудларининг табиий ресурсларга бойлиги инвестиция муҳитини янада жозибадор қилишга имкон беради. Шу боисдан, мавжуд вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда хорижий инвестицияларни жалб этишни ва уни минтақлар иқтисодиёти ривожланишига қўмаклашиш зарурати тугилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини, хусусан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодий ўсишга эришишда, хорижий инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз ўрнида янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик ҳўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Бунинг учун мамлакат ички ва ташқи инвестиция маблағларининг иқтисодиёт сектори бўйича тақсимотида тўғри йўналишни белгилаб олишни такозо этади. Шу нуктаи назардан, мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бу борада миллий иқтисодиётимиз рақобатдошлигини оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларидан келиб чиқиб стратегия қабул қилинишининг нақадар долзарблигини англаш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнини фаоллаштириш борасида қуйидаги хулосаларимизни келтирамиз:

- хорижий инвестиция улуши мавжуд корхоналарни республика ҳудудларига мутаносиб жойлаштириш орқали ҳар бир ҳудуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ички бозорларни қондириш билан бир қаторда ташқи бозорни ҳам таъминлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ;
- иқтисодиётнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиши жараёнларини кучайтириш, аҳолининг тўловга қобилиятлилик ҳолатини кенгайтириш йўли билан тартибга солиш;
- солиқ тизимини оптималлаштириш, яъни солиқ ставкаларини табақалаштириш ва солиқ имтиёзларини янада такомиллаштириш;
- кредит сиёсатини, давлатнинг норма ва стандартларининг антимонопол тадбирларини ишлаб чиқариш, давлат мулкни хусусийлаштириш ва нарх-наво сиёсатини ўтказиш;
- ер ҳамда бошқа табиий бойликлардан (керакли хомашё ресурсларидан) фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, имкон даражасида маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражасини ошириш;
- бозор аҳборот хизматини ривожлантириш, маркетинг хизмати фаолиятини ва ташқи иқтисодий қонунчиликни фаоллаштириш;
- ҳудудларнинг қишлоқ ҳўжалиги имкониятларидан келиб чиққан ҳолда экспортга мўлжалланган маҳсулотларни етиштириш чора-тадбирларини кучайтириш;
- миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий дастурлари самарасини ошириш, инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган «Худудларда саноатни ривожлантириш» концепциясини ишлаб чиқиш;

- мамлакатимизнинг жаҳон меҳнат тақсимотидаги ўрни ва соҳаларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишни роли юксалиб боришини таъминлайдиган саноат тармоқлари ва чуқурлаштириш ва бошқалар.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. –<http://president.uz/uz/lists/view/4551>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.
3. Ғоziбеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003. 323 б.
4. Мертенс А.В. Инвестиции: Курс лекций по современной финансовой теории. -Киев. Киевское инвестиционное агентство, 1997. 563-с.
5. Хазанович Э.С. Инвестиционная стратегия: Учебное пособие. //Э.С. Хазанович, А.М. Ажлуни, А.В. Моисеев. – М.: КНОРУС, 2010. – 304 с.
6. Шарп У.Ф., Александер Г.Д., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер.с англ.- М.: ИНФРА - М, 1997. -1024 с.
7. Кэмпбелл Р., Макконелл, Станли Л. Брю. Экономикс, принципы, проблемы и политика. 2-том, -М.: Республика, 1992. -388 с.